

## 10-боб. Ота-онаси тириклигида жаннатга кира олмаган одам ҳақида



13:03 / 12.11.2018 4220

21. Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин, бурни ерга ишқалсин», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, кимнинг?» дейишди.**

**«Ота-онаси ёки улардан бири кексалигида улар билан бирга яшаб, дўзахга кирган кишининг», дедилар».**

*Шарҳ:* Демак, ота-она улуғ ёшга кирганларида уларнинг хизматини қилиб, розилигини топиб қолса, жаннатга кирар экан, акс ҳолда дўзахга кирар экан. Икковлари бўлмаса, биттаси – ё ота, ё она бўлса ҳам, ана шу ҳолат бўлар экан.

Бу ҳадиси шариф ҳам ота-онанинг розилигини топиш қанчалик муҳим иш эканини таъкидламоқда. Банданинг жаннат ёки дўзахга киришига сабаб бўладиган амаллардан бири ота-онага бўладиган муносабат эканини кўрсатмоқда. Айниқса ота-она кексайганларида алоҳида эҳтиётлик билан уларга яхшилик қилиш пайида бўлиш зарурлигини билдирмоқда.

**Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:**

- 1.** Тингловчининг эътиборини тортиш учун бир ишнинг оқибатини такрор-такрор айтиш мумкинлиги.
- 2.** Олим ва раҳбар кишидан бирор масала оқибати ҳақидаги гапни эшитганда, бу оқибат ким учун эканини сўраш лозимлиги.
- 3.** Ота-онаси бўла туриб, уларнинг розилигини топиб, жаннатга киришга сазовор бўлолмай қолган одам бахтсиз шахс экани.